“Ютуқли харидлар” реклама акциясини ўтказиш қоидалари (кейинги ўринларда — “Қоидалар”) оммавий
ОФЕРТАСИ

1. “ЮТУҚЛИ ХАРИДЛАР” РЕКЛАМА АКЦИЯСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

1. “Ютуқли харидлар” РЕКЛАМА АКЦИЯСИ (кейинги ўринларда “Акция”) Ташкилотчи маҳсулотларини тарғиб қилиш, уларга бўлган қизиқишни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш, маҳсулотлар реализацияси ҳажмини оширишни рағбатлантириш, шунингдек, Ташкилотчи ва унинг маҳсулотларининг ижобий имижини мустаҳкамлаш мақсадида савдо нуқталари ўртасида ўтказилади. Акция лотерея, қиморбозлик ўйини ҳисобланмайди.

2. АКЦИЯ ТАШКИЛОТЧИСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

2.1. Акция ташкилотчиси (кейинги ўринларда – “Ташкилотчи”): “**Family Group**” МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган юридик шахс, СТИР: 303457361, қуйидаги манзилда жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бектемир тумани, Порлоқ кўчаси, 53-уй.

3. АКЦИЯНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ

3.1 Акцияни ўтказиш муддати мазкур Оммавий оферта расман эълон қилинган кундан бошлаб совғага кўра, Мазкур Қоиданинг 6.2.1., 6.2.2. ва 6.2.3 бандида кўрсатилган даврда 45 ва 90 календарь кунни ташкил этади (кейинги ўринларда — «Акция муддати» ёки «Акция даври»)

3.2 Ҳақиқий Қоидаларда кўрсатилган барча муддатлар Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри вақтига кўра ҳисобланади.

4. ҲУДУД, ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Акция Ўзбекистон Республикаси (кейинги ўринларда – ЎзР.) ҳудудида, барча чакана савдо нуқталарида ўртасида ўтказилади.

4.2. Иштирокчиларни Акцияда иштирок этиш тартиби, Акция шартлари (шунингдек, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши), Акция қоидаларидан хабардор қилиш мазкур Аферта қоидаларига кура амалга оширилади.

4.3. Ташкилотчи Акция шартларини исталган вақтда ўзгартириш ва/ёки унга қўшимчалар киритиш, узайтириш, Акция ҳақида қўшимча маълумотни эълон қилиш ҳуқуқига эга. Акция ва унинг шартлари бўйича маълумот ўзгартирилиши ва/ёки унга қўшимчалар киритилиши Ташкилотчи тасдиғи билан, уларнинг Ташкилотчи сайтида еълон қилинганида мумкиндир.

4.4. Ташкилотчи Акция Иштирокчилари билан ўзаро хат ёзишмалари ёки бошқа алоқаларга кирмаслик ҳуқуқини сақлаб қолади. Истисно ҳолатлар: баҳсли вазиятлар юзага келганида ҳақиқий Қоидаларда назарда тутилган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ вазиятлар..

5. АКЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ

5.1. Ўзбекистон Республикаси худудида ичимликлар савдоси билан фаолият кўрсатувчи озиқ-овқат савдо нуқталари иштирок этиши мумкин.

5.2. Акцияда қуйидаги шахслар иштирок этишига йўл қўйилмайди:

- Ташкилотчи ходимлари;
- Акция Ташкилотчиси билан аффилланган (боғлиқ) шахслар;
- Ташкилотчи билан белгиланган фуқаровий-ҳуқуқий ва бошқа алоқаларга эга, Акцияни ташкил этиш ёки ўтказиш, акция маҳсулотларини чиқариш билан боғлиқ ходимлар ва учинчи шахслар вакиллари;
- Юқорида санаб ўтилган шахсларнинг яқин қариндошлари, тўлиқ ва нотўлиқ (бир она ёки бир онага ега) ака-ука ва опа-сингиллари;
- Акциянинг ҳақиқий Қоидалари шартларини бажармаган шахслар;

5.3. Агар ушбу Қоидаларнинг 7-банди («Аксияда иштирок етиш шартлари ва тартиби» бўлими) ҳамда бошқа бўлимларидаги талабларга жавоб бермайдиган шахслар Аксияда иштирок этгани аниқланса, Ташкилотчи бундай шахсларнинг Аксияда иштирок этишини ва/ёки соврин олишини рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

6. АКЦИЯНИНГ СОВРИН ЖАМҒАРМАСИ

6.1. Акция соврин жамғармаси Ташкилотчининг пул маблағлари ҳисобига шакллантиради. Акциядаги пул совринларининг умумий миқдори чегараланган.

Соврин номланиши	Соврин миқдори	Соврин жамғармаси

		(сўмда)
Кондиционер 18	70	438 200 000
iPhone 17 Air	42	537 626 712
iPhone 17 Pro Max	21	378 000 000
Labo	2	220 000 000
Жами	**135**	**1 573 826 712**

6.2. Совринларга эга бўлиш тартиби:

6.2.1.

2026 йилнинг 15 июлдан 31-августга қадар				
Харид қилиниши лозим бўлган махсулот	**Қадоғи ва Миқдори**	**Хисобланадиган бонус баллари**	**Совға**	**Неча маротаба харид қилинганда совға берилиши**
Family 0.5 Family 1.0 Family 1.5	1 000 дона БЛОК	1000	Кондициорнер HOFMANN (18)	Акция муддати даврида

6.2.2.

2026 йилнинг 15 июлдан 31-августга қадар				
Харид қилиниши лозим бўлган махсулот	**Қадоғи ва Миқдори**	**Хисобланадиган бонус баллари**	**Совға**	**Неча маротаба харид қилинганда совға берилиши**
Family 0.5 Family 1.0 Family 1.5	2 000 дона БЛОК	2000	IPHONE AIR 17	Акция муддати даврида

6.2.3.

2026 йилнинг 15 июлдан 15 октябрга қадар				
Харид қилиниши лозим бўлган махсулот	**Қадоғи ва Миқдори**	**Хисобланадиган бонус баллари**	**Совға**	**Неча маротаба харид қилинганда совға берилиши**
Family 0.5 Family 1.0 Family 1.5	500 000 000 сўмлик махсулот харид қилиш	20 000	ЛАБО автомашинаси (будкаси) билан	Акция муддати даврида

6.3. Ташкилотчи Акция Соврин жамғармасини, шунингдек, совринларнинг миқдори, кўриниши ва бошқа хусусиятларини ўзгартириш ҳамда Акция Қоидаларда (Офертада) назарда тутилмаган бошқа Совринларни қўшиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

6.4. Акция совринларнинг ташқи кўриниши, уларнинг ўлчами, расми, қадоқ ранги ва бошқа хусусиятлари реклама материалларида тақдим этилган суратлар ва Иштирокчиларнинг шахсий кутилмалари билан мос келмаслиги мумкин.

6.5. Совриннинг пул эквиваленти Ташкилотчи томонидан берилмайди, Совринлар бошқаси билан алмаштирилмайди.

7. АКЦИЯДА ИШТИРОК ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

7.1. Акцияда иштирок этиш ҳуқуқини бериш учун Иштирокчи 6.2 банда назарда тутилган тартибда ва миқдорда харидларни фақат Ташкилотчининг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) орқали амалга оширилиши лозим. Акция доирасида Иштирокчиларнинг Ташкилотчи маҳсулотларини харид қилиш фаоллигини рағбатлантириш мақсадида бонус бирликлари (кейинги ўринларда – «Бонуслар») ҳисобланади. Бонуслар мазкур Оммавий офертада белгиланган тартибда ҳисобланади ҳамда SmartUp тизимида қайд этилади. Мазкур Оммавий офертада белгиланган миқдорда Бонуслар тўпланганидан сўнг Иштирокчи тегишли совғани олиш ҳуқуқига эга бўлади. Совға мазкур Оммавий офертада назарда тутилган шартлар тўлиқ бажарилган тақдирдагина берилади. Бонуслар пул маблағи, электрон пул, тўлов воситаси ёки мулкий ҳуқуқ ҳисобланмайди ҳамда уларни нақд ёки нақдсиз пул маблағларига алмаштириш мумкин эмас. Бонуслар фақат мазкур Акция шартларига мувофиқ совға олиш ҳуқуқини белгилаш учун ҳисобга олинади.

7.2 Акция Ташкилотчининг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) орқали ўтказилади. Расмий дилер (дистрибьютор) Ташкилотчининг топшириғига асосан ҳаракат қилади ҳамда мазкур Оммавий офертада белгиланган тартибда Акция иштирокчиларини ҳисобга олиш, совғалар жамғармасини сақлаш ва топшириш вазифаларини амалга оширади.

7.3 Совғалар қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида, қабул қилувчининг имзоси, муҳри ва паспорт нусхаси билан расмийлаштирилган ҳолда Ташкилотчининг расмий дилерлар томонидан топширилади.
7.4 Акцияда иштирок этиш, иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш, харидларни ҳисобга олиш, бонус баллар хисоблаш, Акция шартларининг бажарилганлигини тасдиқлаш ҳамда бошқа барча ҳаракатлар Ташкилотчининг расмий дилери (дистрибьютори) томонидан SmartUp тизими орқали амалга оширилади.
7.5. Совға топширилганлигини тасдиқловчи фото ҳисобот SmartUp тизимига юкланиши шарт.
7.6. Совғаларни топшириш жараёни маҳсулот билан биргаликда видеотасвирга олиниши шарт. Видеоматериал FG – NEWS Telegram каналига жойлаштирилиши лозим.
7.7. Совғалар тасвирлари фақат маълумот бериш мақсадида келтирилган. Совғаларнинг ташқи кўриниши, модели ва ранги реклама материалларида кўрсатилганидан фарқ қилиши мумкин. Совғалар сони чекланган.
Совғаларни пул компенсациясига алмаштиришга йўл қўйилмайди.

7.8. Акция иштирокчиси томонидан Акция шартларини бажариш учун асос бўлган товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилган, битим бекор қилинган ёки харид ҳажми мазкур Оммавий офертада белгиланган талабларга жавоб бермай қолган тақдирда, Иштирокчи совға олиш ҳуқуқини йўқотади.

Агар бундай ҳолат совға топширилгандан кейин аниқланса, Ташкилотчи Иштирокчидан совғани қайтаришни, совғани қайтаришнинг имкони бўлмаган тақдирда эса унинг бозор қийматини қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.9. Иштирок учун имкон берадиган харид миқдори иштирокчи томонидан қайтарилган тақдирда харидор акцияда иштирок этиш ҳуқуқидан махрум бўлади. Иштирокчида ушбу харид бўйича ютиб бўлинган соврин бўлса, мазкур соврин бекор қилинади.

7.10. Иштирокчи акция даврида 2 маротаба иштирок этиб, совға олиши мумкин.

7.11. Агар Иштирокчида қўшимча саволлар юзага келган тақдирда, иштирокчи +998 (71) 202-12-02 рақами орқали call марказга мурожаат қилиши мумкин.

8. АКЦИЯДА СОВРИНЛАР АЖРАТИЛИШИ ВА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ

8.1. Акциядаги совринларнинг умумий миқдори чекланган. Ғолиб иштирокчи тегишли совринларни Ташкилотчининг жойлардаги Дилеридан қабул қилиб олади.

9. СОВРИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ / ТАРТИБИ

9.1. Соврин тақдим этилгач, унга эгалик ҳуқуқи Фойдаланувчига ўтади. Акция Ғолиби унга юборилган Акция совринидан фойдаланиш билан боғлиқ барча чораларни ўзи ҳал қилади.

9.2. Ташкилотчи, интернет провайдерлари, алоқа операторлари ва исталган бошқа хизматларнинг иши натижасида электрон жўнатмалар етиб бормагани ёки кеч етиб боргани, йўқолгани ёки зарар етгани учун жавобгар ҳисобланмайди.

9.3. Акция Совринини олиш ҳуқуқи Акция Ғолиби томонидан учинчи шахсга ўтказилиши мумкин эмас. Ютиб олинган совриннинг Акциядаги бошқа совринларга алмаштирилишига йўл қўйилмайди. Совринларнинг пул шаклидаги эквиваленти тўланиши амалга оширилмайди.

9.4. Акция совринларининг миқдори чекланган ва ҳақиқий Қоидаларда белгиланганидек миқдорни ташкил этади. Ташкилотчининг Иштирокчиларга совринларни бериш бўйича масъулиятлари ҳақиқий Қоидаларнинг 6.2. ва 6.3. бандларида кўрсатилганидек, Соврин жамғармасининг умумий ҳажми билан чегараланади. Шу сабабли Акция Иштирокчиси қандайдир миқдорда компенсация (шунингдек, пул шаклидаги) талаб қилиши мумкин эмас.

10. ХАРАЖАТЛАР. МАСЪУЛИЯТ ЧЕКЛАНИШИ

10.1. Ташкилотчи қуйидагилар учун масъулият олмайди:

10.1.1. Иштирокчилар томонидан Акцияда иштирок этиш ва (ёки) совринларни олиш билан боғлиқ масъулиятларнинг бажарилмагани (ўз вақтида бажарилмагани);

10.1.2. Иштирокчиларнинг Акция Қоидалари билан танишиб чиқмаганлиги, Акцияни ўтказиш натижалари билан танишиб чиқмаганлиги;

10.1.3. Иштирокчилардан хатлар, қўнғироқлар ва/ёки электрон хабарлар олмаслик, шунингдек, почта хизмати, алоқа ташкилоти хатоси билан юзага келган техник муаммолар ва/ёки Интернет тармоғи ва/ёки Акцияни ўтказишда фойдаланиладиган алоқа каналларида қаллобликлар;

10.1.4. Алоқа операторлари, Интернет провайдерлар, Акция Ташкилотчисининг айби билан бўлмаган исталган техник носозликлар, муаммолар, профилактика ишлари ва бошқалар;

10.1.5. Акция ва (ёки) Совринни олишда Иштирокчи томонидан сарфланган исталган харажатлар ва (ёки) зарарлар.

10.1.6. Олдини олишнинг имкони бўлмаган ҳолатлар юз берган вазиятларда (форс-мажор), хусусан, фавқулодда вазият режими ва/ёки COVID-19 билан боғлиқ санитар-епидемиологик чеклов/тақиқлар жорий қилинганда.

10.2. Акциянинг барча Иштирокчилари ўзларининг Акциядаги иштироки учун сарфланадиган барча ва исталган харажатларни (хусусан, алоқа операторлари, Интернет тармоғи, Акция тўғрисида исталган маълумотни олиш, акция маҳсулотини харид қилиш ва бошқалар хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни) ўзлари мустақил тўлайдилар.

10.3. Ташкилотчи Акция совринларига эгалик ҳуқуқлари тўғрисидаги исталган баҳсларга масъулиятни олмайди. Баҳсларга оид исталган вазиятда сўнгги қарорни Ташкилотчи қабул қилади ва мазкур қарорда шикоятга ўрин йўқ.

Ташкилотчи мобил телефон рақами, электрон манзил, Акция маҳсулоти, Иштирокчининг уникал коди бошқа бир шахс чекининг тегишлилиги масалаларида ҳам баҳслар юзага келганида баҳсга киришмайди. Бу каби барча баҳслар мунозарали томонларнинг ўзи томонидан мустақил ва ўз ҳисобларидан ҳал қилинади.

10.4. Ташкилотчи интернет провайдерлар, алоқа операторлари, исталган почта, етказув ёки бошқа хизматларнинг хатолари натижасида содир бўлган почта ва электрон жўнатмаларнинг етиб бормаганлиги ёки кеч етиб боргани, йўқолгани ёки зарар етгани учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

10.5. Ташкилотчи тақдим етилган Совғанинг олиб бўлингач, Акция Ғолиби томонидан қандай ишлатилиши, Акция Ғолиби томонидан исталган сабабларга кўра Совриндан фойдалана олмаслиги эҳтимоли билан боғлиқ жавобгарликни ҳам ўз зиммасига олмайди.

10.6. Олинган Совриндан фақатгина Иштирокчи ҳисобланган шахслар фойдаланишига ёʻл қўйилади. Соврин гаров ёки тўлов воситаси предмети сифатида қатнашадиган исталган ҳаракатлар, операциялар, келишувларга ёʻл қўйилмайди.

10.7. Ташкилотчи, Ўзбекситон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ҳақиқий Қоидаларга риоя қилган ҳолда, ўз хоҳишига кўра, Акцияда иштирок этиш ҳақидаги ҳужжатлар сохталаштирилган ёки уларнинг сохталаштирилишидан фойда олган ёки ҳақиқий Қоидалар бузилган (ҳақиқий Акция билан боғлиқ шахсларни безовта қилишдан тўхтамаслик, ҳақорат қилиш) ёки Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги талабларини бузган тақдирда иштирок учун барча аризаларни кўриб чиқиб, қоидани бузган шахснинг Акцияда иштирокини ўз хоҳишига кўра тақиқлаш ҳуқуқини сақлаб қолади.

10.8. Ташкилотчи исталган вақтда Акцияда фирибгарликка тўсиқ бўлувчи қўшимча техник чекловларни татбиқ қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Қайсидир бир Иштирокчи томонидан ғаразли ҳаракатларга бўлган исталган уриниш аниқланган ҳолларда, унинг ютуғи бекор қилинади, Иштирокчининг ўзи еса Акциядан иштирок этишдан четлатилади.

10.9. Ташкилотчи Акциядаги иштирокнинг беғаразлиги баҳосини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги шартларига ва ҳақиқий Қоидаларга мувофиқ, ўзидаги техник имкониятлар асосида мустақил амалга оширади.

10.10. Ташкилотчи, табиий офатлар, ёнғин, сув тошқини, исталган турдаги ҳарбий ҳаракатлар, қамаллар, пандемия билан боғлиқ карантин чоралари каби форс-мажор ҳолатлар, Акция ўтказиладиган ҳудудда амал қиладиган қонунчиликдаги ўзгаришлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилганидек, ўзи томонидан назоратга олиб бўлмас бошқа вазиятлар юзага келганида жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

11. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

11.1. Акцияда иштирок этаркан, Иштирокчи аниқ ва фаол (ишончли) маълумотларни кўрсатиш мажбуриятини олади. Шунингдек, у ўз ихтиёри ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, ЎзР. қонунчилигида, хусусан, 2019-йил 21-июнда қабул қилинган “Шахсий маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли ЎРҚ ва ҳақиқий Қоидаларда назарда тутилган вазият ва ҳажмларда Ташкилотчи ва ваколатли шахсга Иштирокчи томонидан тақдим этилган шахсий ва бошқа маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, юбориш (трансчегаравий ҳам), фойдаланиш, сақлашга рухсат беради.

11.2. Акцияда иштирок етиш ва Акция доирасида Совринни олиш учун Иштирокчи Ташкилотчига ЎзР. амалдаги қонунчилигида назарда тутилган тартибда, ҳақиқий Офертада (Қоидалар) кўрсатилган маълумотни (шунингдек, ўз шахсий маълумотларини) тақдим етиши зарур.

11.3. Акцияда иштирок етаркан, ҳар бир Иштирокчи ўзи томонидан тақдим этилган маълумотдан, Соврин олинган тақдирда ва ҳудуд, вақт ва фойдаланиш усули (ва бундай фойдаланув Ташкилотчи томонидан ҳеч бир шаклда қоплаб берилмайди) бўйича ҳеч қандай чекловларсиз, Ташкилотчининг Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган маркетинг ва/ёки исталган бошқа реклама фаолияти, хусусан, унинг исм, фамилия, фотосуратлари, у ҳақидаги интервю ёки бошқа материаллардан реклама/маркетинг мақсадида, шунингдек, ОАВ, исталган босма, аудио ва видеоматериаллар, ОАВ билан интервюда эълон қилиш (исм ва фотосуратлар) ҳуқуқига эгалигини, фойдаланишга розилигини тасдиқлайди.

11.4. Акцияда иштирок этаркан, Акция Ғолиби Ташкилотчи ва ваколатли шахсга ўз шахсий маълумотларидан, жумладан, фотосуратлар, интервю, телефон рақами, е-маил ва (ёки) Ташкилотчининг реклама ва (ёки) маркетинг мақсадларидаги материалларида, хусусан: Ташкилотчи ва ваколатли шахсга Иштирокчи маълумотлари ва материалларини ОАВ, исталган босма нашрлар, Интернет тармоғида ҳудуд, вақт ва фойдаланиш усулидаги чекловларсиз

еълон қилишга ҳуқуқ беради; ва бундай фойдаланув Акция Ташкилотчиси томонидан Иштирокчига ҳеч қандай шаклда қоплаб берилмайди (тўланмайди).

11.5. Акцияда иштирок этаркан, ҳар бир Иштирокчи амал қилиш муддати бўйича чекловларсиз, келажакда унинг мобил телефон рақами, е-маил манзилига Ташкилотчи ва ваколатли шахс томонидан юбориладиган СМС-хабарлар, янгиликлар ва бошқа ахборот / реклама хабарларини олишга розилик билдиради.

12. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. Акцияда иштирок этаркан, Иштирокчи Акцияни ўтказишнинг барча Қоидалари ва унда иштирок этиш шартларини билан танишиб чиққани ҳамда сўзсиз рози эканлигини тасдиқлайди.

12.2. Акцияни ўтказиш Қоидалари Ташкилотчи томонидан Акция ўтказиладиган бутун муддат давомида ўзгартирилиши ва/ёки унга қўшимчалар киритилиши мумкин. Акция Ташкилотчиси Акция шартлари, Акцияни ўтказиш Қоидалари, шунингдек, Реклама Акциясини ўтказиш қоидаларига ўзгартиш ва / ёки қўшимчалар киритилиши Ташкилотчи томонидан тасдиқланган ва Ташкилиотчи сайтида эълон қилинганидан сўнг амалга оширилиши мумкин.

12.3. Акция Ташкилотчиси, ўз хоҳишига кўра, Иштирокчиларга сабабларини тушунтирмай ва улар билан ёзишмаларга киришмай, Акция Иштирокчиларининг исталган ҳаракатларини яроқсиз деб топиши, шунингдек, Акцияда иштирокини тақиқлаши, Ташкилотчи Иштирокчи томонидан маълумотлар сохталаштирилгани ёки исталган маълумотлар сохталаштирилишидан фойда олаётгани борасида асосли шубҳаларга эга бўлса, исталган шахс оладиган Совринни бекор қилиши мумкин.

12.4. Ҳақиқий қоидалар билан тартибга солинмаган ҳар қандай баҳсли масалаларни ва/ёки масалаларни ноаниқ талқин қилишга имкон берадиган вазият юзага келган тақдирда, Ташкилотчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ якуний қарор қабул қилади.

12.5. Ҳақиқий Қоидаларда назарда тутилмаган барча ҳолатларда Ташкилотчи ва Иштирокчи/Акция Ғолиблари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги бўйича иш олиб боради.

12.6. Томонларнинг жавобгарлик чоралари, шунингдек, баҳсларнинг ҳал етилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ белгиланади.

12.7. Ҳақиқий Оммавий офертанинг амал қилиш муддати – Акция ўтказиладиган давр якунлангунича**.**